

ЖАМЎ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 2 апрель пайшанба
Сотувда эркин нархда № 68 (1849)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 апрель кунин Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Бош котиби Бертран Дюфуркни қабул қилди.

Ислам Каримов меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора ривож топиб бораётганидан мамнуният изҳор қилди.

— Мамлакатларимиз ўртасида очиқ ва самимий муносабатлар қарор топган, — деди Президент. — Нафақат сиёсий-иқтисодий, балки маданий соҳада ҳам алоқаларимизнинг тобора кенгайиб бораётгани эътиборга моликдир.



ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор қилди ва Ислам Каримовга Франция Президенти Жак Ширакнинг шахсий мактубини топширди.

Сўхбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожини боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Умар Исмоилов ҳамда ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Франция Республикаси-

нинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан-Клод Ришар ҳозир бўлди.

(ЎзА)
СУРАТДА: қабул пайти. А. Тўраев олган сурат

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Бош котиби Б. Дюфур Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги раҳбарлари билан учрашди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ҳар икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, томонларнинг қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу кунин Франциялик меҳмонлар Ўзбекистон кимё саноати корхоналари уюшмасида ҳам бўлиб, уюшма фаолияти билан яқиндан танишди.

Учрашувларда Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан-Клод Ришар ҳозир бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 30 апрель кунин биринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўзинини бошлади. Шу муносабат билан сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.Бургов гуруҳ раҳбари этиб тайинланган эди.

1 апрель кунин депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида ишчи гуруҳининг аъзолари олдидан турган вазифалар ҳақида муҳокама этилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигида ишловчи қўшма ширкатларни қарантилан туркум қонун лойиҳаларининг, Ер қалатри тўғрисидаги қонуннинг сессия муҳокамасига киритилаётганиги таъкидланди.

1998 йил республикада Ойла йили деб эълон қилинганлиги учун ҳам сессияда Ойла кодексининг иккинчи ўқишда кўриб чиқиши аиникса муҳимдир. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги, виждон эркинлиги ва диний таъкидланган тўғрисидаги (янгилар) қонунларнинг лойиҳалари ҳам аҳоли кўпчилиги қиёмининг мафозатлари дахлдордир.

Мажлисида сессия кун тартибига киритилган масалалардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди, унга ёрдамчи гуруҳ тузилди. Биринчи ёрдамчи гуруҳ зиммасига Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган хўжалиқларни тайёрлаш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, келиб тушган тақлифлар ҳамда мулоҳазаларни умумлаштириш, шунингдек, сессия материалларини депутатларга ва тақлиф этилганларга барвақт етказиш вазифаси юклатилди. Ушбу гуруҳга Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг

раиси Н. Исмоилов раҳбар этиб тайинланди.

Иккинчи ёрдамчи гуруҳ депутатларнинг, мутахассисларнинг ҳўниталарининг ишлари тўғрисида ахборотлар бериш, Олий Мажлис сессиясининг ишчи република газеталари саҳифаларида, телевидение ва радио орқали ёритиш масалалари билан шуғулланган. Ушбу гуруҳга Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитасининг раиси Э. Воҳидов раҳбарлик қилди.

Депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга табибий, маиший, маданий ва ўзга хизматлар кўрсатиш, уларни аэропорт ва темир йўл вокзалларида кўтиб олиш ва кузатиш билан боғлиқ таъкидланган ишлар билан шуғулланадиган учинчи гуруҳга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўмитасининг раиси Г. Йўлдошева раҳбарлик қилди.

Ишчи гуруҳи мажлисида Олий Мажлис кўмиталарининг раислари сўзга чиқиб, қонун лойиҳалари устида, келиб тушган тақлиф ва мулоҳазалар юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида қисқа ахборот бердилар. Бўлим сессия ҳўкимига ҳўвола этилаётган ҳўжатларнинг лойиҳаларини тақлиф этилганларга барвақт етказиш вазифаси юклатилди. Ушбу гуруҳга Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг

БУГУННИНГ ГАПИ

Пилла — Ўзбекистон заминида етиштириладиган ноёб ва мўъжизакор нўматлардан биридир. Бағри кенг халқимизнинг фидойи меҳнати маҳсули бўлиши бу қимматбахо хомашё мамлакатимиз ҳазинисини ваюта билан бойитишда олоҳида ўрин тутгани ҳўкам.

Афсуски, кейинги йилларда пиллачилик соҳасида жаҳоний андозларга чиқа олмаётганимиз, тармоқда бозор муносабатлари кенг қўламда жорий этилмагани оқибатида пилла ва ундан олиннадиган маҳсулот қўзланган самарани бермапти.

Хўш, нима қилса соҳа бошқаруви такомиллашади, пиллачиликнинг экспорт салоҳияти ошади? Бу савол мамлакат раҳбариятини ўйлантириб келарди. Кўни кеча Президентимиз имзолаган «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон юқоридоги масалаларга ойдинлик киритди. Маълумки, кейинги йилларда пилла етиштириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш икки тармоқнинг — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзбекнигилсаноат» давлат уюшмаси таркибидоги бўлимларимиз зиммасида эди. Бу маҳсулот олиш йўлидаги халқнинг узилиб қолишига, пировадидо самарадорликнинг пасайишига олиб келарди. Ипак ишлаб чиқариладиган йирик корхоналар маҳсулотидун меҳмонларига жавоб бермаслиги, шунингдек, маркетинг ўрганилмаганлиги сабабли мазкур фабрикаларнинг кредитдорлик қарзлари 1 мил-

лиард сўмдан ошиб кетди. Шу зайдда тизимнинг асосий қисми зарарга ишлаш бошлади.



ПИЛЛАЧИЛИК ЯГОНА ҚУМГА УТАДИ

Биргина 1997 йилда «Ўзбекнигилсаноат» давлат уюшмасига қарашли ҳиссадорлик компаниялари пиллакорларга 57,8 миллион сўм миқдоридоги тўловни таъминлай олмади. Ҳўлбуки, Фаргона водийсида етиштириладиган ҳўсил республика «қумуш тола» хирмонининг аянчигина қисминини ташкил этади. «Анджон ипаги», «Хон атлас» ва «Қумуш тола» ҳиссадорлик компаниялари раислари эса асосий эътиборни фабрикаларда маҳсулот ишлаб чиқаришига қаратиб, пилла етиштириш масаласи ҳўсусида жон куйдирмаганлари оқибатида хомашё етказиб беришчиларда рағбат сузайди. Бу ҳўл ҳўсил сифатига ҳам таъсир этади, албатта. Ҳўзирги пайтда бизда етиштирилаётган хом пилланинг баҳоси дунё бозоридоги қаратганда 3-3,5 баравар, ишлаб чиқариладиган қалава ҳам 2-3 баравар арзон нархда ҳў-

тиляпти. Фармонга биноан энди барча жараёнлар ягона қўлга — мустақил «Ўзбек ипаги» уюшмаси тасарруфига ўтади. Мазкур уюшма таркибидо ипакли ва аралаш газламалар ишлаб чиқариладиган шойи тўқуш корхоналари, шунингдек, табиий шойи ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйи-

маси белгилайди.

Ҳўзиргача пиллага дастлабки ишлов берадиган корхоналарнинг асосий қисми давлат тасарруфидо бўлиб келди. Фармонга биноан уларни ҳиссадорлик қўлига, аниқроғи, мулкнинг ҳақиқий эгаларига бериш тармоқ самарадорлигини ошириши керак. Айни пайтда пиллачилик соҳасига чет эл сармояларини олиб кириш, бинобарин, қўшма корхоналар барпо этиш ҳам экспорт салмоғини ошириш, жаҳон бозоридо маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш имконини яратди.

Фармоннинг учинчи банди янги тўзторлар барпо этиш масаласига бағишланганки, бу пиллачиликнинг муҳим жабҳаси — озуқа базаси билан боғлиқдир. Бу йил ўтказилган тут ниҳонининг ўқ йилдан кейин барг беришини ҳисобга оладиган бўлсак, шунча мулдат мобайнида ер солиғи олинмаслиги пилла етиштириш ҳўжалиқларга катта имтиёз беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида янгилаш руҳи билан сўроғилан мазкур Фармон пиллачилик соҳасини бошқаришнинг такомиллаштириш, соҳа корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш йўлида ҳўдий аҳамият касб этишига шўбҳа йўқ. «Ўзбек ипаги» уюшмасига мустақиллигини мустаҳкамлаш, дунё бозоридо ўз ўрнинини эгаллаш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш йўлида ютуқлар ёр бўлишига ишонамиз.

Шўхрат ЖАББОРОВ, иқтисодий шарҳловчи.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

1 апрель кунин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Корея Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Ким Тхэ Сам ишонч ёрлигини топширди.

Президент Ислам Каримов элчини шарафли вазифага тайинлангани билан қутлар экан, Ўзбекистонликлар корея халқини жуда яхши билишини, зотан мамлакатимизда бу миллатта мансуб қўллаб инсонлар яшаши ҳамда уларнинг барча билан баробар, елкама-елка туриб меҳнат қилаётганини таъкидлади.

— Ўзбек ва корея халқлари ўзининг меҳмондўстлиги, меҳнатсеварлиги ва бошқа ажойиб хислатлари билан бир-бирига ўхшайди, — деди Ислам Каримов сўхбат чоғида. — Ўзаро алоқаларимиз ҳам узоқ даврларга бориб тақалади.

Давлатимиз раҳбари шарафли ва масъулиятли вазифасини адо этишда Ким Тхэ Самга муваффақият тилади.

КХДР элчиси икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар раванқига ҳисса қўйиш имконияти туғилганидан мамнуният изҳор этиб, ўз миссияси даврида бу муносабатларни янада ривожлантириш учун барча куч-ғайратини ишга солаётганини таъкидлади.

Шу кунин Президент Ислам Каримовга Молдованинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Николае Осмоеску ҳам ишонч ёрлигини топширди.

Давлатимиз раҳбари шарафли вазифага тайинлангани муносабати билан Молдова элчисини қўтлади ва Ўзбекистон билан Молдова ўртасидаги муносабатлар изчил ривож топиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

— Икки томонлама алоқалар зарур ҳўкуқий пойдеворга эга, — деди Президент. — Ўйлайманки, мамлакатимизда бошлаган миссиянинг Ўзбекистон-Молдова муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик алоқалари қўламини кенгайтиришга хизмат қиларди.

Н.Осмоеску икки томонлама муносабатлар раванқига, ҳар икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантиришга ҳисса қўйиш учун барча имкониятларини ишга солишини қайд этди.

Ишонч ёрлигини топшириш маросимларида ташқи ишлар вазирлиги А.Комилов иштирок этди.

(ЎзА)

НАЗОРАТ ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳўднинг муҳим масалаларига доир Президент фармонлари ва уларга мувофиқ қабул қилинган ҳўкумат қарорлари Бухоро вилоятида қандай бажарилмоқда? Вилоят, шаҳар ва туман ҳўкимликлари, назорат инспекцияларининг бу борада фаолиятини такомиллаштириш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим?

Президент девонин Назорат инспекцияси комиссияси ўтказган текширувлар ана шу масалаларга бағишланди. Комиссия ҳўлосасига қўра, вилоятда Президент фармонлари, ҳўкумат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жўмладан, Гиждўвон туман ҳўкимлигида шу мавзуда республика кўргазмали семинари ташкил этилиб, бу борадаги тажриба ўртоқлашилди. Шаҳар ва туман назорат инспекцияларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда, деярли барча инспекциялар транспорт билан таъминланган. Уларни ягона компьютер тизимига ўтказиш масаласи ҳўл этилмоқда.

Шу билан бирга, бу борада талайгина камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, айрим фармон ва ҳўкумат қарорлари юзасидан вилоят ҳўкимлиги қарорлари кечиктиб чиқмоқда, қабул қилинганлари ҳам жойларга ўз вақтида етиб бормапти. Когон, Олот, Ромитон, Бухоро шаҳридаги Ф. Ҳўжаев тумани ҳўкимлари назорат инспекциялари фаолиятини талаб даражасида, деб бўлмади.

Бухоро вилояти ҳўкимлигида текширув яқунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида ана шу масалалар агрофлича муҳокама этилди. Назорат ишлари таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланди.

Вилоят ҳўкимини С.Ҳўсенов йиғилишида сўзга чиқди.

Илҳом САФАР, ЎзА муҳбири.

ДУСТЛИК ЖАМИЯТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Ўзбекистон билан Франциянинг ҳамкорлик алоқалари азалий тарихга эга. Мустақил ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистон Оврупоининг бу йирик мамлакат билан қадимий алоқаларини тиклабгина қўймай, уни янги, юксак босқичларга кўтарди. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Францияга қилган расмий сафарлари икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини раванқига янада кенг йўл очди.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ривожланиш тобора мустаҳкамлашиб бораётган бир шароитда «Ўзбекистон-Франция дўстлик жамияти»нинг ташкил топганини табиий ва қувонарли бир воқеадир. Шу йилнинг 1 апрель кунин Тошкентда ана шу янги дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида, аввало, «Ўзбекистон-Франция дўстлик жамияти»нинг 41 нафардан иборат ҳайрат қўзғовчи овозга қўйилиб, бир овоздан сайланди. Шундан кейин жамият бошқаруви органлари шакллантирилди. Ишон ҳўкуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий марказининг директори, жюрилик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов жамият раиси, Жаҳон тиллари университети проректори М. Нишонов, 2-Тошкент тиббиёт институтининг ректори, профессор Х. Каримовлар раис ўринбосарлари этиб сайландилар. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатиянинг университетининг ўқитувчиси Ж. Ҳайдаров зиммасига жамиятининг иккинчи директорлиги вазифаси юклатилди. Жамиятининг таъсис комиссияси таркибига Ш. Гафурова, Ш. Галияқов, Н. Абдуллаевлар киритилди.

Мажлисида жамиятининг Нишоним ҳам қабул қилинди.

«Ўзбекистон-Франция дўстлик жамияти» таъсис йиғилишида Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан-Клод Ришар ҳамда Франция Ташқи ишлар вазирлигининг бош котиби Бертран Дюфурк жаноблари иштирок этидилар.

М. САФАРОВ.

БАҲОР ЮМУШЛАРИ

— Дала юмушларини биз қиш ойларида ҳам тўхтатмадик, — дейди фермердеҳқон хўжалиги раҳбари Аҳҳамдон Тўшкенбоев. — Далага маҳаллий ўғит ташкил чиқардик. Айни чиллада яхоб суви бердик. Эрта-индин экин-тиқкин ишларини ҳам якунлаймиз.

Адҳамдон ака ўтган йили оила аъзолари билан 10 гектар майдонда деҳқончилик қилди. Шундан 7 гектарига чигит экиб, гектаридан 55,9 центнердан хирмон кўтарди. Унинг ёнидаги ери, суви бир бўлган «Гўлбоғ» жамоа хўжалигининг 5-бўлимида эса ҳар бир гектардан 11 центнердан пахта ҳўсилни йиғиштириб олинди. Бир жойдаги икки хил кўрсаткич, яъни ер билан осмонча фарқ иқтисодий самарадорликда ҳам ўз аксини топди. Юзлаб гектарда деҳқончилик қилган жамоа хўжалиги йилни зарар билан якунлади. Бор-йўғи 10 гектар ери бўлган деҳқон

Мингбулок туманидаги «Тошкенбой» фермер-деҳқон хўжалиги билан «Гўлбоғ» жамоа хўжалигининг 5-бўлимининг ерларини битта ариқ ажратиб туради. Лекин айни пайтда бу ерда икки хил наъзаро. Фермер-деҳқон хўжалигининг 17 гектар экин майдонидо баҳорги енгиларида илҳосига етмоқда. 4-5 нафюр киши далолада енгиларида илҳосига етмоқда. 5-бўлим, яъни жамоа хўжалиги ерида эса баҳорги дала ишларига ҳали астойдил киришилмаган.

БИРИГА ЙИЛ БЎЛИК КЕЛДИ

Бошқасига қуруқ келди. Нега?

га эришдилар. Бир гектардаги галлазордан 50 центнердан ошириб сара дон етиштирди ва унинг ўрнига экилган такрорий экин чорва озуқасини тўла таъминлади.

Хўжалиқнинг бу ютуқлари инобатта олиниб, ўтган йилнинг кеч қузида туман ҳўкимини қарори билан, унга ана 7 гектар ер ажратиб берилди. Бу йил улар чорва ва деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришни икки ҳисса қўлайтириш мақсидида меҳнат қилишмоқда.

тардан боғни ўз тасарруфларига олишган. Ўтган йили бу боғбонлар мевадан ҳам, дарахтлар орасига экилган қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўмай даромад қилишди. Жамоа хўжалиги эса йилни 26 миллион сўмдан ортиқ зарар билан якунлаб, санаянча тушди. Айни баҳор кунларида деҳқон хўжалиқларида олиб борилаётган ишлар кишининг ҳавасини келтирди. Улар аллақачон мевали дарахтларга шакл бериб, ораларига экин экинни ҳам бошлаб юборишган. Уларнинг бор-

Абдуҳўшим МАДАТОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ

Улуғ фойласуф, сўфий шоир Пахлавон Махмуд бобомизнинг мероси санокли рубоийлар эмас, ҳар бир мисра катида яширинган маъно, ҳаёт фалсафаси, абадий мавзуга айланган ҳақиқат ва адолат тушунчаларидир.

— Матназар оға, аввало улуғ сўфий шоир мансуб бўлган жувонмардийлик тарикати ҳақида ихчамгина сўз тасангиз.

ТЕРАН ТОМИРЛАР ТИЛСИМИ

мидан буюк Хоразм империяси йўқлиги юз тутган, эл-улус пароканда, энг сара фарзандлар тигдан ўтказилган, қўли гул инсонлар ҳайда кетилган, халқ кўнган балодан кейин эндигина бир қадар ўзига келган, бироқ руҳан тушун бир ҳолатда эди. Шу даврда Пахлавон Махмуд дунёга келди ва жувонмардийлик тарикатини янги босқичга олиб чиқди.

борда тутилган) эҳтимоли ҳам йўқлиги шахс ва умуманфаатларнинг мос эмаслигидан аниқ хабар бермоқда.

Шоир рубоийтида жанговарлик туйғуси, тасаввуфий одоб-иқром фазилатларидан ташқари, фидокорлик, эл-юрт учун, дўст учун жондан кечин оҳанглари ҳам муҳим ўрин тутди. Биз ҳатто шу борадаги фикрлашларда шоир мисралари билан антик давр, хусусан Хомер асарларидаги воқеалар оҳангдошлигини туюмиз.

— Истиклолдан сўнг биз Ватан тушунчаси, Ватан туйғусини теранроқ англаймиз. Ана шу масалада афсонавий Хомер қахрамонлари билан Пахлавон Махмуд рубоийти қахрамони — жувонмардийлар ўртасида фарқ борми?

— Бор. Хомер асарларидаги қахрамонлар, масалан, Ахилл худбинликдан холи эмаслиги манбаларда қайд этилган. Ўз ватандошлари тарафидан туриб жанг қилаётган Ахилл ўзини қавмдошлари томонидан камситилган деб англаган заҳоти, дарров уларга

мағлубият тилайди, яъни, ўз манфаатини халқнинг ҳаёт-мамат масаласидан устун қўяди. Ҳатто ватан туйғуси ҳам унинг иззат нафисидан устун туролмайди.

— Қадим юнон афсоналарида реал ботликдан узоқ воқеалар байн қилинади. Эки маъбудлар ва инсонлар ўртасида кечмиш ҳодисалар гўё ҳақиқатдек тин олинади. Айтмоқчиманки, орадан ўтмиш ўн етти асрлик вақт ана шу ярим мистик воқеаларни ҳақиқатга яқинроқ келтириб беришми?

— Хомер асарларида шахс ва жамоа бирлигини қахрамонларнинг маъбудларга муносабатларида яққол кўринади. Антиқ афсоналарда кўра, қачонларидир маъбудлар ва инсонлар бирга ҳаёт кечирганлар. Хомерда бу афсонавий яқинлик бир қадар

мағлубият тилайди, яъни, ўз манфаатини халқнинг ҳаёт-мамат масаласидан устун қўяди. Ҳатто ватан туйғуси ҳам унинг иззат нафисидан устун туролмайди.

Пахлавон Махмуднинг ҳикматли мисраларида ҳам инсон ва фалак мавзуси одамодод коинотнинг бир жуви эканлиги ўзининг теран аксини топган. Шоир талқинчи, инсоннинг вужудида ҳамда бу вужуд ичра муваққат макон тутган руҳда, коинот ҳамда бу коинотда вақтинча жойлашган заминдагина монанд жараёнлар кечади.



Сайхон ака Қулмонов (суратда)ни Қизилқоғалар нафақат уста пахтакор, фермер Хўжалик раҳбари, балки овози тиниқ жироовчи сифатида ҳам яхши билишимиз. У катта-катта достонларни ёддан айтиш билан бирга, бузғини кун мавзуларида термалар ҳам ёзда ва куйлайди.

Бахши-фермер айни пайтда ўз шоғирлари билан «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

И. ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН БАХШИЛИККА БАХШИДА УМР

Қадим донишмандлар ўтганларнинг бошдан кечирган қунари, ҳаётлари, ҳар қандай ҳодиса, воқеалари келаси авлодлар учун бебаҳо тажриба ва ибратдир деб таъкидлаганлар. Шу маънода, келаси йили миң йиллиги нишонланадиган “Алпомиш” достонини мазийнинг ана шундай ибратли ижодий мероси дейилса муволаба бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам халқ оғзаки ижодининг бу ноёб дурдонасида қадим Туронзаминда бундан неча миң йиллар муқаддам яшаб, чорвачилик билан шуғулланган турк уруғ-аймоқларимиз

миш иккинчи йилда Самарқанд вилоятининг Булунгур туманида олдий деҳқон оиласида фарзанд дунёга келди. Ота-она унга яхши ният билан Фозил деб исм қўйди.

Ардоқли фарзанд ҳақиқатан ҳам Фозил исми бўлиб етишди. У қадим аждодларимиз ижодий тафаккурининг ноёб обидаси — “Алпомиш” мардлик достонини дил ғарбидан ўтказиб, навқирон овози, сеҳрли сози қанотларига юртдошларига етказиш шарафига муяссар бўлди.

Бахшининг илҳомбахш куйларида аждодларимизнинг ҳаёти лавҳалари жонланди, уларнинг эрксеवरлик овозлари қайта янгради, тўқсон алпни йиққан, миң қадмдан тангани камондан беҳато нишонга олган, золимлар юзини ерга юз тубан уриб, ор-номус, эркин ҳимоя қилган ҳақиқий халқ қахрамони — Алпомиш образи юксак даражага кўтарилди, халқимизнинг

чин маънодаги баҳодир ўғлини айтади. Бу эса Фозил Йўлдош ўғлини жаҳон элик достончилигининг улуғ сийқолари қаторига кўтарди, ҳақиқий халқ шоирига айлантирди.

Фозил Йўлдош ўғлининг ҳаёти осон кечмади. Беш ёшида отадан етим қолиб, қаролик ва чўпонлик қилди. Қалбик кенг ва ҳал-хулуслис ям-яшил яйловларда чўпонлардан дўмбира чертиш, термалар куйлашни ўрганди. Йигитликка тулган чоғида ҳамқашлоғи Йўлдош шоирга шоғирд тушди. Ундан кўпроқ достончини тарбиялаган Йўлдош шоир Фозилнинг иқтидори ва ижрочилик маҳоратини юксак қадрлаб, унинг ижодий камолга эришиши тўғрисида алоҳида гамоҳурилик қилди. Фозил устози синодан муваффақиятли ўтиб, мустақил достончи, деб тан олинди.

Фозил Йўлдош ўғли саксон уч йил яшади. У замининг

ана шу баракали умри давомида “Елдор”, “Рустамхон”, “Гурулнинг тугилиши”, “Малikka айёр” каби 30 дан кўпроқ достон куйлади. Замонавий достончиликка асос солиб, “Маткари полвон”, “Жиззах қўзғолони” достонларини яратди.

Фозил Йўлдош ўғлининг ҳақиқатан ҳам хайратомуз, гоёт бой ва ранг-баранг ижодида, шубҳасиз, “Алпомиш” достони алоҳида ўрин тутди. Зеро, шоир уни бир умр ардоқлаб куйлади. Ҳамид Олимжоннинг таъбири билан айтганда, бу достон Фозил Йўлдош ўғлининг “шоирлик бешиги” бўлди.

Фольклоршуносларнинг ақлилик билан таъкидлашчи, “Алпомиш” достонининг ўзбек бахшиларидан эътибор олинган ўттиздан кўпроқ намуналари орасида Фозил Йўлдош ўғли айтган энг мукаммал ва баркамол ижодидир. Таассуфки, бу достон шўро замонида тўлалигича дунё юзини кўрмади, ҳукмрон мафкура “қайчи”сидан ўтказилиб, кичик-кичик китобчалар шаклидагина нашр этилиб, ҳолос.

Мустақиллик туғайли неча миң йиллик тарихга эга бўлган маънавий қадриятларимиз, бебаҳо ижодий меросимиз каби Фозил Йўлдош ўғли тўққиллаиб қуйлаган “Алпомиш” достони ҳам юртга қайтди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ келаси йили унинг миң йилги халқаро миқёсда кенг нишонланади, юбилейга атаб достоннинг тўла наشري ўзбек ва рус тилларида чоп этилади, унинг академик наشري аниқлаштиришга киришилади.

Юбилей баҳона Фозил Йўлдош ўғли ва бошқа бахшиларимиз асос солган достончилигимиз мактабининг ҳақиқий баҳори бошланди. Уларнинг ўнлаб иқтидорли издошлари бугунги кунда миллат бирлиги ва маънавий уйғониши, миллий гурур ва ўз-ўзини англаш рамизига айланган “Алпомиш” достони айнаваларини давом эттириб, янги замоннинг янги “Алпомишнома”сини яратиши шубҳасиздир.

Ёкуб ИБОРОҲИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Фарзанд — оиланинг қувончи, бахти, ҳаргиси уларга ҳасталик соя солмасин. Лекин, афсуски, иссиқ жон, иситмасиз бўлмайди.

Гулистон туманида хасталикка учраган бола ота-оналарига кулайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Туман марказидаги «Низол» 9-соғломлаштириш борчаси гепатит билан оғриб, тузалган болалар учун мўлжалланган. Бу борчанинг ташкил этилганга роппароса ўн йил бўлди.

— Гепатитта чалинган болалар даволанганларидан сўнг ҳам камида олти ой давомидида шифокор назорати остида бўлишлари, қатъий парҳез асосида овқатланишлари лозим, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Дяббар Эркабоева. — Лекин боғчаларда алоҳида парҳез таом тайёрлаш учун имконият кам. Деҳқонбод шаҳарчасида жойлашган «Низол» боғчаси бу ўринда оналар учун аниқ мудоао. Чунки бу ерда болаларга керакли барча шарт-шароит яратилган.

Болалар боғчада қатъий режим асосида тарбияланиб,

парвартиш қилинади. — Боғчамизда тайёрланаётган таомлар фақат парҳезда юрган болалар учун, — дейди боғча мудири Му-

БОҒЧА-ШИФОХОНА

қаррам Турлибекова. — Ҳар кунги беш маҳал бериладиган таомларни охиригача истеъмол қилишларига алоҳида аҳамият берамиз. Тарбия масканда кичкинтойлар иккинчи кичик ва битта ўрта гуруҳга тақсимланган. Машгулотлар соғломлаштиришга асосланган дастурлар асосида олиб борилади. Эрталаб боғчага келётганида болалар харҳаша қилиш у ёқда турсин, бажонидил чопқилаб келишади. Чунки, улар тарбиячи ва энага опалари даврасида шод-хуррам вақт ўтказадилар-да! Айниқса, иштиёқ билан тайёрланган парҳез таомларни кичкинтой-

Бахринисо НОРЖИГОВА, Сирдарё вилояти.

МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Тахитатоща Ўзбекистоннинг биринчи ёшлар ўйинлари доирасида оғир атлетика бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри спортчилари иштирок этди.

Нукуллик Анвар Пердибоев икки машда 200 килограмм натижа кўрсатиб, ўз вази тоифасида энг кучли спортчи эканлиги кўрсатди. Тахитатощлик Қанат Резбоев (235 килограмм), термизлик Баҳодир Бердиев (270 килограмм), фарғоналик Роман Арустамова (285 килограмм), қаршилик Баҳодир Эргашев (310 килограмм), Чирчиқ шаҳридан Салим Раҳмонов (320 килограмм), тахитатощлик Бонс Раҳлов (320 килограмм), гулистонлик Али Азизов (320 килограмм) ҳам ўз вазиларида биринчи ўринни эгалладилар.

(ЎЗА)

ТИНЕ'98

1998 йил 6-9 апрель кунлари «Соғлиқни сақлаш — 98» Тўртинчи Халқаро тиббиёт кўргазмасига Сизларни лутфан таклиф этамиз. Кўргазмада жаҳондаги 100 дан ортиқ етакчи фирмаларнинг тиббий ускуналари, фармацевтика ҳамда косметика маҳсулотлари намойиш этилади. Кўргазмага ташриф буюриб, Сиз ишлаб чиқарувчи фирмалар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишини мумкин.

Сизни кўргазмамизда кўришдан гоёт мамнуи бўламиз! Кўргазманинг иш соатлари: 6 апрель — 14.00 - 18.00 8 апрель — 10.00 - 18.00 7 апрель — 10.00 - 18.00 9 апрель — 10.00 - 16.00 Бизнинг манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107, «Ўзэкспомарказ» (собиқ ВДНХ).

нинг ақл-идроки, ҳаёти, ўза-ро муносабатлари, турмуш тарзлари, оруз армонларини оғур-одалари, эрк ва озодлик учун курашлари акс этган. Шунини айтиш керакки, халқ оғзаки ижодиётининг бошқа турларидан фарқи ўлароқ, қахрамонлик достонлари одатда катта маънаво даражасига кўтаришда, эл-юртнинг ватанпарварлик ва эрксеवरлик руҳида тарбиялашда бахшиларнинг ўрни беқиёс бўлган. ...Бир миңг саккиз юз ет-

АПАЛЬГИН АНАЛЬГИН - 500 мг Реклама Ва эълонлар 136-09-25 136-09-25 Ҳақиқатан ҳам халқ оғзаки ижодининг бу ноёб дурдонасида қадим Туронзаминда бундан неча миң йиллар муқаддам яшаб, чорвачилик билан шуғулланган турк уруғ-аймоқларимиз миш иккинчи йилда Самарқанд вилоятининг Булунгур туманида олдий деҳқон оиласида фарзанд дунёга келди. Ота-она унга яхши ният билан Фозил деб исм қўйди. Ардоқли фарзанд ҳақиқатан ҳам Фозил исми бўлиб етишди. У қадим аждодларимиз ижодий тафаккурининг ноёб обидаси — “Алпомиш” мардлик достонини дил ғарбидан ўтказиб, навқирон овози, сеҳрли сози қанотларига юртдошларига етказиш шарафига муяссар бўлди. Бахшининг илҳомбахш куйларида аждодларимизнинг ҳаёти лавҳалари жонланди, уларнинг эрксеवरлик овозлари қайта янгради, тўқсон алпни йиққан, миң қадмдан тангани камондан беҳато нишонга олган, золимлар юзини ерга юз тубан уриб, ор-номус, эркин ҳимоя қилган ҳақиқий халқ қахрамони — Алпомиш образи юксак даражага кўтарилди, халқимизнинг чин маънодаги баҳодир ўғлини айтади. Бу эса Фозил Йўлдош ўғлини жаҳон элик достончилигининг улуғ сийқолари қаторига кўтарди, ҳақиқий халқ шоирига айлантирди. Фозил Йўлдош ўғлининг ҳаёти осон кечмади. Беш ёшида отадан етим қолиб, қаролик ва чўпонлик қилди. Қалбик кенг ва ҳал-хулуслис ям-яшил яйловларда чўпонлардан дўмбира чертиш, термалар куйлашни ўрганди. Йигитликка тулган чоғида ҳамқашлоғи Йўлдош шоирга шоғирд тушди. Ундан кўпроқ достончини тарбиялаган Йўлдош шоир Фозилнинг иқтидори ва ижрочилик маҳоратини юксак қадрлаб, унинг ижодий камолга эришиши тўғрисида алоҳида гамоҳурилик қилди. Фозил устози синодан муваффақиятли ўтиб, мустақил достончи, деб тан олинди. Фозил Йўлдош ўғли саксон уч йил яшади. У замининг ана шу баракали умри давомида “Елдор”, “Рустамхон”, “Гурулнинг тугилиши”, “Малikka айёр” каби 30 дан кўпроқ достон куйлади. Замонавий достончиликка асос солиб, “Маткари полвон”, “Жиззах қўзғолони” достонларини яратди. Фозил Йўлдош ўғлининг ҳақиқатан ҳам хайратомуз, гоёт бой ва ранг-баранг ижодида, шубҳасиз, “Алпомиш” достони алоҳида ўрин тутди. Зеро, шоир уни бир умр ардоқлаб куйлади. Ҳамид Олимжоннинг таъбири билан айтганда, бу достон Фозил Йўлдош ўғлининг “шоирлик бешиги” бўлди. Фольклоршуносларнинг ақлилик билан таъкидлашчи, “Алпомиш” достонининг ўзбек бахшиларидан эътибор олинган ўттиздан кўпроқ намуналари орасида Фозил Йўлдош ўғли айтган энг мукаммал ва баркамол ижодидир. Таассуфки, бу достон шўро замонида тўлалигича дунё юзини кўрмади, ҳукмрон мафкура “қайчи”сидан ўтказилиб, кичик-кичик китобчалар шаклидагина нашр этилиб, ҳолос. Мустақиллик туғайли неча миң йиллик тарихга эга бўлган маънавий қадриятларимиз, бебаҳо ижодий меросимиз каби Фозил Йўлдош ўғли тўққиллаиб қуйлаган “Алпомиш” достони ҳам юртга қайтди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ келаси йили унинг миң йилги халқаро миқёсда кенг нишонланади, юбилейга атаб достоннинг тўла наشري ўзбек ва рус тилларида чоп этилади, унинг академик наشري аниқлаштиришга киришилади. Юбилей баҳона Фозил Йўлдош ўғли ва бошқа бахшиларимиз асос солган достончилигимиз мактабининг ҳақиқий баҳори бошланди. Уларнинг ўнлаб иқтидорли издошлари бугунги кунда миллат бирлиги ва маънавий уйғониши, миллий гурур ва ўз-ўзини англаш рамизига айланган “Алпомиш” достони айнаваларини давом эттириб, янги замоннинг янги “Алпомишнома”сини яратиши шубҳасиздир. Ёкуб ИБОРОҲИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Хўку ва қонунчилик 136-07-94; Иқтисодиёт 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги 136-37-85; Маънавият 136-35-60, 132-10-65; Халқаро 136-29-89, 133-07-48; Фан, тизилма, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08; Халқаро ҳаёт 132-11-15; Қоғазчилик 133-10-28; Ўзбекистон Республикаси 136-09-25. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Рўнқатдан ўтин тартиби № 0001 Буюртма № — 011138, 42797 нуسخада босилган, ҳажми — 2 табоқ, Өфсет устулида босилган. Котоп бичими А—2 Газети ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топириш вақти—21.00 Босишга топирилади: 23.20 1 2 3 4 5 6